

O'ZBEKISTON

OVOZI IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 15-iyun • Payshanba • 68 (27.560) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида

Мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни илмий-техникавий жиҳатдан ва лойиҳалар билан таъминлашни мувофиқлаштиришни кучайтириш, республика иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини юқори даражада тайёрлаш ва уни сифатли амалга ошириш мақсадиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги зиммасига Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган иқтисодиётнинг базавий тармоқлари саноат объектиларини қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилишнинг техник-иқтисодий асослари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини — «Ўзгирнефгазкимёлоиҳа» ташкил қилинсин.

«Ўзгирнефгазкимёлоиҳа» институтини зиммасига иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳалаш ишларини ўтказишда бош пудратчи функцияси юклансин.

3. Қуйидагилар «Ўзгирнефгазкимёлоиҳа» институтининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин: саноатнинг базавий тармоқларини таркибий ўзгариштириш, электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат йирик объектиларини модернизациялаш ва техник реконструкция қилиш концепциясини ишлаб чиқиш;

инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини аниқ ишлаб чиқиш учун субпудратчилар сифатида мамлакатимиз ва хорижий иқтисослаштирилган лойиҳа институтларини, шунингдек етакчи мутахассисларни танлов (тендер) асосида жалб этиш, уларнинг ишини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этилган хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган иқтисодиёт базавий тармоқларининг стратегик муҳим корхоналарини қуриш ва модернизациялаш бўйича тақдим этилган инвестиция лойиҳалари ва техник-иқтисодий асослаштириш экспертизадан ўтказиш ҳамда уларни танлаб олишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этилган хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган иқтисодиёт базавий тармоқларининг стратегик муҳим корхоналарини қуриш ва модернизациялаш бўйича тақдим этилган инвестиция лойиҳалари ва техник жиҳатдан таъминлаш.

(Давоми 2-бетда)

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига



ВОДИЙ ДУРДОНАСИ

Марғилон — қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳар!

Бу номни тилга олганда, кўз олдинда инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири, ўзининг ипак матолари билан оламга машҳур макон, нон ва палов ҳиди анқиб турган шовқин-суронли бозор, ўз болаларига ҳам «сиз» деб муносабат этидиган қалби очик одамлар намояна бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда тайёрланган хонатлас, бекасас, товус каби ўта нафис матоларнинг товланиши кўзни қувонтиради. Улардан

тиқилган либослар аёлларимизнинг чиройига чирой қўшади. Қадим манбаларда ёзилишича, Марғилон ипаги Буюк ипак йўлидаги энг қимматбах мол бўлган ва шу боис Миср ва Юнонистон, Ҳиндистон ва ундан олисларга ҳам етиб борган.

Хозир ҳам бу аъёнлар муносиб давом эттирилмоқда, бу ерда ҳар кун ишлаб чиқариладиган матолар тўқилмоқда, унинг катта қисми экспорт қилинмоқда ва давлатга валюта келтирмоқда.

Рустам ШАГАЕВ (ЎЗА) олган сурат

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХУ ЦЗИНЬТАО БИЛАН УЧРАШУВИ

Шанхай, 14 июнь (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Президент Ислам Каримов Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига етиб келди. Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммитига катта тайёргарлик кўргани яққол кўриниб турибди. Қўчалар, майдону хиёбонлар ШХТнинг эмблемаси, ташкилотга аъзо давлатларнинг байроқлари, қўтлов сўзалари битилган шиорлар билан безатилган. 15 июнь кун бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтади. Шанхай Катта театрида ташкилотга аъзо мамлакатлар санъат усталарининг концерти ташкил қилинади. Унда Ўзбекистондан ҳам санъаткорлар иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 июнь кун Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга 2005 йилги давлат ташрифи асосида эришилган келишувлар, хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисида имзоланган давлатлараро шартнома ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Хитойни ишончли дўст ва яқин ҳамкор давлат деб билишини, у билан муносабатларни кадрлашини, расмий Пекиннинг икки томонлама ҳамкорликни ривож-

лантириш ва ШХТ фаолиятини янада такомиллаштириб, нуфузини ошириш борасидаги таклифларини юқсак баҳолашини қайд этди.

Ху Цзиньтао Хитой Ўзбекистонга Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи давлат сифатида қарашини таъкидлади. ХХР Раисининг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро геосиёсатдаги стратегик аҳамияти, улкан иқтисодий салоҳияти, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракат ва ташаббуслари Хитой томонининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқишини янада оширмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига, ШХТни янада ривожлантиришга, томонларни қизиқтирган минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Шу кун ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугун таъсис этилган Ишбилармонлар кенгаши вакиллари билан учрашди. Давлат раҳбарлари мазкур кенгашнинг ташкил этилишини маъқулладилар ва ишбилармонларни ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга чақирдилар. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, инвестициявий дастурлар ва давлатлараро савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалалардаги ҳуқуқий асосини ўзаро уйғунлаштиришга қизиқтирилган ҳамда кўзланган мақсадларимизга етишимиз мумкин, деб алоҳида таъкидлади.

ИСЛОМ КАРИМОВ: «ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ, ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА УСТУВОР МАСАЛА»

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 14 июнь кун Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитига иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан қуйидаги фикрларини баён этди.

— Маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бундан беш йил муқаддам айнан мана шу шаҳарда ташкил топган эди. Шу фактни инобатга оладиган бўлсак, мазкур учрашув, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос юбилей кенгашининг Шанхай шаҳрида ўтказилиши алоҳида рамзий маънога эга эканини тушуниш қийин эмас, албатта.

Бугунги кунда дунёда ва минтақада катта нуфуз ва салоҳиятга эга бир қатор давлатлар аъзо бўлган ушбу ташкилотнинг навбатдаги саммитига тайёргарлик жараёнининг ўзи жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши ва эътиборини тортмоқда. Бу эса учрашув давомида халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар муҳокама этилишидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Табиики, бундай қизиқишнинг муайян сабаблари бор. Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тарихан қисқа бир муддатда нафақат шаклланиш ва тараққиёт жараёнини босиб ўтганини, балки бир ярим миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, сиёсий, иқтисодий ва социал-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳар томонлама қўдр бўлган халқаро ташкилот сифатида ўзини намоян қилаётганини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда бу ташкилотнинг сиёсий нуфузи тобора мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятида иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда.

Бу гапни учрашувда ташкилотга аъзо бўлган Хитой Халқ Рес-

публикаси, Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг раҳбарлари билан биргаликда тўртта кузатувчи мамлакат — Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғлистон вакиллари иштирок этиши қўтилаётгани ҳам шуни кўрсатади, деди Ислам Каримов.

Олий даражадаги бу учрашувда 15 та ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг беш йиллиги муносабати билан декларация, халқаро информация хавфсизлик тўғрисида баёнот, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан халқаро терроризмга қарши биргаликда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш тартиби ҳақидаги битим, таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома, Ишбилармонлик кенгашининг фаолияти, иқтисодий, молиявий ва банк тизимлари фаолияти ҳақидаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

ОЛҚИШ ОЛИШ ОСОН ЭМАС

Наманган шаҳрининг Янгиқўрғон кўчасида истиқомат қилувчи Тўрамирза Миробидов шу ҳудуддаги ташлабдиқ жойни тозалаб, тартибга келтирди. У ерга терак ва турли мевали кўчатлар ўтказди. Кўчатлар буй чўзиб қолганда унинг шундоққина ёнига жўйлашган «АГНКС» шохобчаси мутасаддилари эгаллик давросини қила бошлашди.

Тўрамирза Миробидов шохобча мутасаддилари билан қанча талашиб тортишмасин меҳнатидан манфаатсиз қоладиган. Орага маҳалла вакиллари ҳам араллашиб кўришди. Аммо «АГНКС» шохобчасидагиларни инсофга келтириб бўлмади. Тўрамирза ота боши қотиб юрганида Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашида жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилгани, бу ерда фуқароларга амалий-ҳуқуқий кўмак берилаётгани ҳақида эшитди.

— Партия кенгашининг жамоатчилик қабулхонасига берган аризам натижасиз қолмади. Раҳмат айтиб, дуо қилайин деб келдим, — дейди отахон. Унинг қўлида Наманган шаҳар ҳокимининг қарори. Унга кўра «АГНКС» шохобчасининг шарқий қисмидаги умумий ҳажми 600 квадрат метр жой 5 йил муддат билан бог сифатида фойдаланиш учун Тўрамирза Миробидовга акратилибди.

Носир АББОС

ЎЗХДП ҲАЁТИ

ФАОЛЛИК БОР ЖОЙДА АМАЛИЙ ИШ БЎЛАДИ

ДЕЯ ТАЪКИДЛАШДИ ЎЗБЕКISTON ХДП ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Фаргона шаҳар кенгашининг пленумида ЎзХДП Фаргона шаҳар кенгашининг Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда партия мафкурасини амалга оширишдаги вазифалари, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда партия кенгаши ҳаётига оид бошқа масалалар муҳокама этилди. Партия кенгаши раиси О.Шарипова ўз маърузасида партия Дастуридаги гоёвий устуворликларни ҳаётга татбиқ этиш, бу ишга партиянинг ҳар бир аъзосини кенг жалб этиш масалалари хусусида тўхталиб, юрдошларимизнинг мамлакатдаги ҳар бир воқеликада долдорлик ҳисси билан яшашига ўргатишда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни муҳим эканилигини таъкидлади.

Пленумда, шунингдек, халқ депутатлари Фаргона шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг фаолияти таҳлил қилинди. Депутатлик гуруҳи партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ҳар бир сессияда ўзининг аниқ нуктаи назарига эга, депутатлар янада фаол ва ташаббускор бўлиши лозимлиги таъкидланди. Музокараларда сўзга чиққан вилоят стоматология поликлиникаси бош шифокори ўринбосари, БПТ раиси Р.Қобилов, «Экосан» халқаро ташкилотни вилоят бўлими раиси М.Исломов ва бошқалар партия кенгашининг фаолигини ошириш бўйича таклифлар айтидилар.

Вобкент туман кенгашининг пленумида партияимиз янги Дастурида белгиланган муҳим масалаларни ҳал қилишда қўйи бўғин — бошланғич ташкилотлар, депутатлик гуруҳлари ташаббускорлиги ҳамда фаолигини

ошириш ҳақида ҳақида гап борди. Партия кенгаши раиси Талиб Аевзов мазкур масала юзасидан маъруза қилди.

— Бухоро вилоят партия кенгашининг ақинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари пленуми, — деди маърузачи, — ҳаммамизни мудроқликдан уйғотди. Бундай ўйлаб қаралса, ишимизга лоқайдлик билан қарабмиз. Мавжуд 54 та бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларимиз, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз ўз қобилидан чиқолмаётти.

— Фаоллик бор жойда амалий иш бўлади, — деди музокарада сўзга чиққан «Зарафшон» ширкат ҳўжалиги БПТ раиси Ҳомид Муитов. — Аммо қайта рўйхатта олиш жараёнида аъзоларимиз ташаббуси ва фаолигига тўғри баҳо бера олдик. Ҳисобимиздаги 141 нафар партия аъзосидан 90 нафари сараланди. Номига сафимизда юрганлардан халос бўлди. Бу билан қаноатланмасдан, ёшларга янада кўпроқ таянишимиз керак.

— Бугун соғлом фикрга эга бўлиш жуда муҳимдир, — деди Пирмаст қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қайом Қозоқов. — Кутубхоналарга юз боришимиз, газета-журналларни доим ўқиб боришимиз керак. Шунда сиёсий ташаббускорлигимиз ошади. Аҳоли орасида бирор бир масалани

тушуниришда ҳам қийналмаймиз. Бунда маҳалла оқсоқолларининг ўрни алоҳида бўлиши керак. Ахир, тумандаги 54 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг аксарияти ЎзХДП аъзолари-ку. Нера бу катта имкониятдан туман партия кенгаши унумли фойдалана олмайдими?

— **Ўзбекистон Халқ демократик партияси V қурутлоғида** белгилаб берилган мафкуравий ишлар замирида инсон маънавияти, маданияти масалалари ётади, — деди **Оқдарё туман кенгаши** пленумида кенгаши раиси Шодидёр Маҳаммадиев, — Шундан келиб чиқиб ушбу масала-



Суратда: Вобкент туман кенгаши пленумидан лавҳа.

ларга асосий эътиборни қаратишимиз лозим.

Маъруза юзасидан музокараларда сўзга чиққанлар бу борада мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажидхон Усмонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги шиддаткор, тезкор замон ва ахборот даври буюк эвриликлар сари етакламоқда. Шу боис, сиёсий йўналишда ҳам вазифаларни тезкорлик билан, беқаму куст бажариш лозим. Бу борада партия туман кенгаши ва бошланғич ташкилотлар жонбозлик, жонқуярлик кўрсатиши керак. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари аниқ мақсадларни кўзланган ташаббуслар билан чиқмоғи лозим. Тумандаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолар ечимини ҳақида қайғуриш уларнинг ҳам зиммасида, елкасида-ку, ахир.

Замира ПОРСИЕВА, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ХДП аъзоси:

— Бугунги йиғилишимизда дилдан, очикча сўзлашаётганимиз ва баҳс-мунозара юритаётганимиз жуда қувончли ҳол. Хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ аёлларининг сиёсий саводхонлигини ошириш, уларни ишга, уй меҳнати — касаначиликка жалб қилиш ўта муҳим бўлиб турибди. Бу борада партияимиз кўтараятган масалаларни изчиллик билан ҳаётга жорий этишда амалий ҳаракатларни бошлашимиз лозим.

ларга асосий эътиборни қаратишимиз лозим.

Маъруза юзасидан музокараларда сўзга чиққанлар бу борада мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажидхон Усмонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги шиддаткор, тезкор замон ва ахборот даври буюк эвриликлар сари етакламоқда. Шу боис, сиёсий йўналишда ҳам вазифаларни тезкорлик билан, беқаму куст бажариш лозим. Бу борада партия туман кенгаши ва бошланғич ташкилотлар жонбозлик, жонқуярлик кўрсатиши керак. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари аниқ мақсадларни кўзланган ташаббуслар билан чиқмоғи лозим. Тумандаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолар ечимини ҳақида қайғуриш уларнинг ҳам зиммасида, елкасида-ку, ахир.

Замира ПОРСИЕВА, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ХДП аъзоси:

— Бугунги йиғилишимизда дилдан, очикча сўзлашаётганимиз ва баҳс-мунозара юритаётганимиз жуда қувончли ҳол. Хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ аёлларининг сиёсий саводхонлигини ошириш, уларни ишга, уй меҳнати — касаначиликка жалб қилиш ўта муҳим бўлиб турибди. Бу борада партияимиз кўтараятган масалаларни изчиллик билан ҳаётга жорий этишда амалий ҳаракатларни бошлашимиз лозим.

(ЎЗ мухбирларимиз)

O'zbekiston havo yo'lari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лавозимланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARINI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лавозимланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

4.Қуйдагилар белгилансин: «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлигига ҳисобот берадиган мустақил ташкилот ҳисобланади; лойиҳани ишлаб чиқиш учун ҳам, уни тўла низоҳатга етказишга техника таъминотининг ташкил этилиши учун ҳам масъул бўлган лойиҳа бош муҳандислари (ЛБМ) томонидан раҳбарлик қилинадиган тармоқ бюралари «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади; ЛБМлар бюросини юқори маалаки мутахассис кадрлар билан таъминлаш институтнинг истиқболдаги ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади; ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг Илмий-техника кенгашининг ижобий тавсияси билан белгиланган тартибда вақил қилинган органларга экспертизадан ўтказиш учун киритилади; «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг Илмий-техника кенгаши аъзоларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазир-

лиги, Молия вазирлиги, «Давар-хитектурилиш» кўмитаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтини, шунингдек бошқа лойиҳа институтларининг етакчи мутахассисларидан тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлиги хайъати томонидан тасдиқланади. 5.Қуйдагилар: ходимлар умумий чекланган сони 153 нафар, шу жумладан ишлаб чиқариш-бошқарув ходимлари сони 115 нафардан иборат бўлган «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтини тузишга 1-иловага мувофиқ; Лойиҳа бош муҳандиси бюросининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Белгилансинки, «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг директори лавозимига қўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлигининг ўринбосари ҳисобланади. «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг директорига иқтисодийёт вазирлиги билан келишилган ҳолда, тасдиқланган лавозимлар сони доирасида, институт таркибига зарур ҳолларда ўзгартишлар киритиш ва ходимлар сони-нинг таркибий бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Институт ходимлари таркибини шакллантириш аниқ лойиҳа топшириқлари олиншига қараб амалга оширилинсин. 6.Қуйдагилар «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: инвестиция лойиҳалари бюрт-мачларининг шартнома асосида ТИАни ишлаб чиқишга ажратилган маблағлари, лойиҳа-қудриув ва лойиҳа ишларини бажариш, лойиҳалар амалга оширилишини техника жиҳатдан таъминлаш; «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда шахсий фаолияти натижасида олинган даромадлари; халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларининг грантлари; етишмаётган қисмида — давлат бюджетини маблағлари. 7. «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг 2010 йилнинг 1 январига қадар «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтини фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин. 8.Қуйдагилар белгилансин: «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг ходимлари учун белгиланган меҳнат ҳақ тўлаш, муқофотлаш, моддий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари табиқ этилади; «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтининг фаолияти билан устас фаолиятдан олинган даромадлар ҳамда ажратилган мақсадли бюджет маблағлари доирасида иш ҳақига ойлик устаса ҳақ белгиланиши мумкин. 9.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Ўзоғирнефтьгазкимёлоийҳа» институтини фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин. 10.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2006 йил 13 июнь

ИСЛОМ КАРИМОВ: «ХАВФСИЗЛИК ВА БАҲҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ, ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА УСТУВОР МАСАЛА»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, бўлиб ўтадиган учрашувда минтақамизда хавфсизлик ва баҳқарорликни сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизга таҳдид соладиган ҳар қандай хавф-хатарларга йўл қўймастик, иқтисодий ва молиявий, жумладан, инвестицион ҳаётимизни янада кенгайтириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ташкилотга аъзо давлатлар жойлашган минтақанинг бой сув-энергетика захираларидан, ер усти ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ўз ечимини қутаётган масалаларни муҳокама қилиш ҳам қўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, ушбу ташкилот иштирокчиси бўлган давлатларнинг иқтисодий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатадиган соҳалар — коммуникация ва информация тармоқларини, темир йўл, автомобиль йўллари билан боғлиқ бўлиб қолган лойиҳаларни муҳокама қилиш, шунингдек, баъзи ташкилий-институционал масалалар ҳам кун тартибига киритилган. Айни пайтда ташкилотнинг Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма, Тараққиёт фонди каби тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш сингари масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинади.

Уйлайманки, бу масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорлар минтақамизда жойлашган барча давлатларни иктамий жиҳатдан янада ривожлантириш, мажҳуд улкан салохият ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўлида янги имкониятлар очиб беради. Келгусида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти самардорлигини ошириш ҳақида гапирганда, мен қуйдаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур деб биламан, деб фикрини давом эттирди Президентимиз. Биринчидан, бошқа бarchа ҳаётини масалаларнинг негизини белгилаб берадиган минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва баҳқарорликни сақлаш ва мустақамлаш, халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, наркотрафик каби замонавий таҳдидларга қарши кураш масаласи бундан буюн ҳам ШХТ-нинг ўта муҳим ва устувор вазифаси бўлиб қолиши лозим. Бу мақсадга эришиш учун, авваламбор, мазкур ташкилотга аъзо бўлган барча давлатларнинг мавжуд хавф-хатарларини, ягона принциплар асосида, бир қўш билан қараш ва баҳқолаши талаб этилади. Иккинчидан, мана шундай таҳдидларнинг олдини олишда қабул қилинадиган қарорларнинг самараси ва таъсирини амалда сезиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараган-

да, халқимизнинг «Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар», деган мақолида чуқур маъно бор, деб ўйлайман, деди давлатимиз раҳбари. Тўртинчидан, маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз сафида худуди, аҳолиси ва иқтисодий салохияти жиҳатдан турлича мавқега эга бўлган давлатларни бирлаштиради. Албатта, ушбу давлатларнинг барчаси ҳам бу ташкилот доирасида ўз миллий манфаатларини қўзлаган ҳолда сиёсат олиб боришда иштирокида. Мана шундай нозик вазиятда ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш учун аввало нима керак, деган саволга, мен халқаро дипломатия тилида кенг қўлланадиган манфаатлар баланси, таъбир жоиз бўлса, манфаатлар мувозанати, деган мезонини доимо сақлаш, унга риоя қилиш ва бу масалани эътибор марказида тутиш керак, деб жавоб берган бўлардим. Ишончим комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг набатдаги саммити мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивлик ва прагматизм каби асосий тамойилларга асосланган ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини чуқурлаштиришга хизмат қилади, хавфсизликни таъминлаш масалаларини ечиш, тинчлик ва баҳқарорликни сақлаш, халқларимизнинг фаровонлигини оширишда мустақам пойдевор яратди. (ЎЗА)

ЎЗХДП ҲАЁТИ



МАҚСАД — ҚОНУН МОҲИЯТИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ

Яқинда Чирчиқ шаҳрида Олий Маҳлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳамда Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалиётга татбиқ этилиши масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Чирчиқ шаҳридаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, маҳалалар вакиллари иштирок этдилар. Тадбирни Чирчиқ шаҳри ҳокими Шукрулла Бобоев киритиш сўзи билан очди. Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов ва Қонунчилик палатаси депутаты Хамидулла Назаров Қонунининг асосий қоидалари тўғрисида гапирдилар. Президентимизнинг 2005 йил 10 февралда қабул қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди ширкатлар фаолиятини яхшилаш, уй-жой фондини бошқаришда уй-жой мулкдор-

ларнинг ролини ошириш, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазибалари белгиланганди. Давра суҳбатиди таъкидланганидек, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади ҳам қўп қаватли уйларида уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолиятидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Иштирокчилар томонидан Қонунда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг мақсади ҳам қўп қаватли уйларида уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолиятидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси депутатлари Фахриддин Ражабов, Анвар Бойқулов ҳамда ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаевлар йиғилганларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.



Суратларда: тадбирдан пайдаланган. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

мини ошириш, ташкилий ва молиявий мустақиллигини мустақамлаш, ширкатни бошқариш, унинг фаолияти устидан назоратни қучайтиришда хусусий уй-жой мулкдорларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, ширкат фаолиятида очиклик ва ошқораликни таъминлашга қаратилган нормалар киритилганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, қўп қаватли уйдаги умумий мол-мулкнинг асралиши учун хусусий уй-жой мулкдорларининг жавобгарлиги қучайтирилди, ширкат аъзоси томонидан мажбурий тўловларни тўламаган ҳолатдаги муносабатларни тартибга соладиган қоидалар аниқлаштирилди. Айтиш мумкинки, янги Қонун қабул қилиниши билан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Аммо, унинг қоидаларини ҳаётга самарали татбиқ этиш жойларда ишларни тўғри ташкил қилишга боғлиқ. Бунинг учун тегишли давлат органларининг раҳбар ва мутахассислари, ширкатлар раҳбарлари ҳамда уй-жой мулкдорлари қонуннинг мазмун-моҳиятини яхши англаб олишлари зарур. Ҳар бир хусусий уй-жой мулкдориди яшайётган уйи, қўп қаватли уйдаги умумий мол-мулкка эгаллик ҳиссини шакллантириш ҳам муҳим масала. Давра суҳбати иштирокчилари томонидан «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, хусусий уй-жой мулкдорларининг ўз уйлари сақлаш ва асралишини таъминлашда масъулиятларини ошириш зарурлиги тўғрисида қатор таклифлар билдирилди. Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси депутатлари Фахриддин Ражабов, Анвар Бойқулов ҳамда ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаевлар йиғилганларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Алижон АБДУРАХМОНОВ

ЯНГИ ЭКСКАВАТОРЛАР ИШГА ТУШДИ

Бўхоро вилояти экин майдонларининг муайян қисми шўрланган. Бундай шароитда экинлардан юқори ҳосил олишни таъминловчи омиллар орасида мелиорация тадбирлари алоҳида ўрин тутди. Сизот сув ҳисобига шўрланаётган ер қили мобайнида икки-уч марта ювилиб, коллекторлар тазаланди. Узунлиги олти ярим миңг километрлик зовурларнинг 40-45 фоизиди ҳар йили механик мелиорация ишлари бажарилади.

Сўнгги йилларда коллекторларни тазаловчи экскаваторларнинг эскириб қолгани қатор муаммоларни юзга келтираётган эди. Воҳога Хитойнинг «Машинпекс» давлат корпорациясида ишлаб чиқарилган 10 та гилдиракли ва занжирли экскаватори келтирилгани ушбу масалани ҳал қилиш имконини берди. 25 йиллик имтиёзли кредит ҳисобига

келтирилган ушбу экскаваторлар турдошларига нисбатан қунига 4-5 баравар қўп тупроқ ишларини бажариш қувватига эга. Аму-Бўхоро ирригация ширкатлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Эркин Қодировнинг айтишича, пекинлик ҳамкорлар жорий йил охирига қадар яна 18 та анад шундай техника етказиб беради.

Э.ЁДГОРОВ, ЎЗА муҳбири

ЗАРШУНОСЛАР ЗАФАРИ



Қорақалпоғистон. Республика пиллакорлари давлатта 674,5 тонна пилла топшириб, шартномавий режаларини ошириб бажардилар. Бу — ўтган йилдагидан 126,1 тонна қўп. Ҳар қўп ипак уруғидан 48,5 килограмм ўрнига 51,8 килограммдан ҳосил олинди. Эришилган ютуққа Амударё, Тўртқўл, Эликкальта, Беруний, Ҳўжаили, Кегайли, Чимбой туманлари заршунослари қатта ҳисса қўшдилар. Шу туманлардаги «Шўраҳон», Ш.Рашидов номли, Жуманиязов номли, «Шаббоз», «Тоза Амиробод», Ғ.Адиллов номли, «Дўстлик», «Мангит» каби ўнлаб ҳўжаликларнинг ҳар бирида 20-24 тоннагача пилла тайёрланди. Ўнлаб пудратчиларнинг кўрсаткичи ҳар қўп кўрт уруғидан 75-85 килограммгача етди. Пиллакорлар умумий хирмонни 700 тоннага етказиш йўлида ҳомашё топширишини давом эттирмоқдалар. Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ҲАЁТ БАХШ ЭТУВЧИ МАНБА

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Қизил Ярим Ой ва Қизил Хоч ташкилоти, Халқаро Донорлар жамияти томонидан 14 июнь «Донорлар куни» деб эълон қилинган.

Зеро, қон инсон танасидаги ҳар бир ҳўжайра тирикчилигини таъминлаб туради. Қон орқали танамиз ҳўжайралар килород, витаминлар, гармон, фермент, туз ва бошқа ҳаётини зарур моддалар билан тўйинади. Яна бир муҳим жиҳати қон ва унинг таркибидидаги ҳўжайраларни сўнғий йўл билан тайёрлаб бўлмайдми. Ҳаётда бахт билан бахтсизлик, шодлик ила қулфат ёнма-ён юради. Баъзан яқинларимиз, таниш-билишларимиз бошига оғир кун тушади, фалокат содир бўлади. Шундай дамба ҳаммамиз уларга қўлимиздан келганича моддий, маънавий ёрдамни аямийимиз, ҳатто қонимизни берамиз. Бемор ҳаётини сақлаб қоламиз...

Инсоният XVII асрдаёқ қоннинг ҳаётимизда нақадар муҳим ўрин тутишини англаб етган эди. Тиббиётда қон қуйиш орқали бемор ҳаётини сақлаб қолиш усули қўлланила бошлаганди. Аммо ҳар доим ҳам бу яхши самара бермаганди. Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино бу ҳақда миңг йил илгари ўз асарларида ёзиб қолдирган. 1901 йилда эса австралиялик олим Карл Ландштейер биринчи марта қоннинг 4 хил гуруҳга бўлинишини аниқлади. Шундан сўнг 14 июнь шу тариха бутун дунёда донорлар қунига айланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёдаги ҳар уч одамдан бири, ўз ҳаётини сақлаш мақсади билан фойдаланишга мажбур бўлади. Донорлардан олинган қон ва қон маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги кунда бутун дунёда энг долзарб муаммолардан бири саналади. Бизнинг республикамизда бу боарда муаммо мавжудми? Қон банки қандай фаолият юритяпти? Миллий матбуот марказида «14 июнь — Халқаро донорлар куни» муносабати билан республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти, «Саломатлик» институти, Рес-

Санда САЙХУН, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ШИФОХОНАГА ФАЙЗ ҚАЙТДИ

«Излаган — имкон топади» деган ҳикматда гап қўп. Бўстонлик туманидаги Чорвоқ шаҳарчаси касалхонасида амалга оширилётган ишларни қўриб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Кейинги йилларда бу касалхона ўз ҳолига ташлаб қўйилган, тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар эскириб, шифо масканидан файз кўтарилганди. Ачинарлиси, баъзи бўлимлар ёпилиб, кўпгина маалаки мутахассислар ишдан кета бошлаганди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савияси пасайиб кетганидан Чорвоқ

шаҳарчаси ва унинг атрофида жойлашган Хумсон, Ҳўжаент, Қоронкул, Сижжақ қишлоқларида яшовчилар азият чека бошлади. Беморлар туман маркази — Ғазалкентга ёки Чирчиқ, Тошкент шаҳарларига қатнаб, дардларига шифо излайдиган бўлиб қолишди. Бўстонлик туман соғлиқни сақлаш бўлими бундай танг вазиятдан халос бўлиш чорасини қидира бошлади. Ва қадрлар масаласига эътибор қаратди: касалхонага Тоир Тилапов бош шифокор этиб тайинланди. У аввалги аҳолини синчиқлаб ўрганди, муаммо-

лар илдизини топишга уринди. Сўнгра ҳомийлар излаш, ички имкониятларни ишга солишга киришди. Унинг сазй-ҳаракатлари билан касалхона қайтадан жонланди, янги жиҳозлар келтирилди, тиббий асбоб-ускуналар олинди, дори-дармонлар қўпайди, озик-овқат таъминоти яхшиланди. Айниқса, касалхона қийинчилик билан бўлса-да, таъмирлангани аҳолини ўзгартирди. Бугунги кунда касалхонада тиббий хизмат сифатидан беморлар мамнун. Жамоада эса ҳам янги руҳ, шижоат пайдо бўлди. Беморлар жарроҳлик бўлими бошичи,

уролог Насриддин Усмонов, даволаш бўлими бошлиғи Ҳафиза Юнусова, жарроҳ Фафур Сармонов, невропатолог Мамюра Хусанова, болалар шифокори Элмира Оқилова, бош ҳамшира Зухра Тўлановаларнинг хизматидан кўнглилари тўлиб, раҳмат айтишмоқда. Шифокорлар беморларнинг дардида шифо излаб, ширин сўзлари билан касалдан фориг этиштиряпти. Зеро, элнинг олқишига мушарафлик зўр саодатдир, — дейишди беморлар Эргаш Қорабоев ва Тўрабек Жўраев. Юнус ЭИДОВ

САЊАТ САХНАСИДА

Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор САЪДИЕВга



Хар ким хуш сўз айтар дўсту ёр учун, Кимдир тиллақ қилар номус-ор учун. Менинг ҳам тўрт мисра шеър айтим келди, Саъбат сахнасида Ёдгор бор учун.

Бахт тиллаб бозорга бормайди оқил, Саъбат самосида учмайди жоқил. Саънани муҳробек азиз тутганнинг Қалбини дарёсига саодат соқил.

Унсиз бўлса ҳамки ҳасад сиртмоғи, Тунги тиллаб ташлар ҳавас чамқоғи. Ёдгор Саъдиевни ойга бўйлаптир Бобур сиймосида тафаккур тоғи.

Олтинми ёш Оллоҳнинг олтин ёшидир, Шу ёшга етганингни олтин бошидир. Хар бир Ёдгоринини дуо қил, элим, Кўз ёшининг ширини севинч ёшидир.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири



Жаҳон чемпионати тантаналари ўзбек ишқибозларини ҳам четлаб ўтмади. Ашаддий ишқибозлардан икки нафари Акрам Маруфжонов билан Мусажон Хорнидов велосипедда 6,5 минг километр йўл босиб, Тошкентдан Берлинга етиб боришди. Улар Ўзбекистон пойтахтидан март ойида йўлга чиққан эди. Муҳлисларимизнинг бирдан бир орзулари Германия терма жамоасининг моҳир дарвозабони Оливер Кандан дастхат олиш бўлган. Хайтовур, немис журналистларидан бири ҳамюртларимизнинг ниятларини билиб қолиб, дарвозабон билан учрашувини ташкиллаштиришга ёрдам берган. Шундай қилиб, ўзбек футбол фанатлари Кан билан ўзбеккона қўл олқиб, русчасига гаплашганлар. Ўз навбатида дарвозабон ҳам хар иккала велосипедлик йигитга дастхат ёзиб бериб, миннатдорчилик изҳор этган.

Шунақа. Муҳлисларга осон тутиб бўлмайди. Айниқса, илк бор чемпионатнинг финал учрашувида иштирок этаётган терма жамоалар муҳлислари ҳаяжонларини боса олмаптилар. Жумладан, Украина — Испания (0:4) учрашувида кизикш катта бўлди. «Н» гуруҳида кеча

ФУТБОЛ ШУНДАЙ СЕҲРЛИКИ...

ИККИ ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ВЕЛОСИПЕДДА БЕРЛИНГА БОРИШДИ

бўлган учрашувни испан муҳлислари кинотеатрлар экранларида томоша қилишди. Босиб, ишқибозларга қулайлик яратиш учун мамлакат ҳукумати ана шундай қарорга келган. Украина оила, ёшлар ва спорт ишлари бўйича вазири Юрий Павленко эса мамлакат ҳаётидаги йирик воқеалардан бири сифатида қаралаётган катта футболни байрамона қаршилашга даъват этган. Мазлум бўлишича, Украина — Испания учрашуви маҳаллий вақт билан иш тугайдиган икки соат илгари бошланган экан. Шунинг учун барча ишчи хизматчилар футбол учрашувини иш соати ҳисобига томоша қилишлари га рўқсат этилган. Украина футбол федерацияси эса футболчиларни моддий рағбатлантириш ҳақида қайғурмоқда. Хусусан, Украина терма жамоаси ўз гуруҳида галаба қозонса 2,8, борди 1/4 финалга чиқса 4,5, омади чопиб ярим финалда бўлиб қолса 8,5 миллион доллар ваъда қилинмоқда.

Чемпионат ўйинлари эса тобора қизғин тус олмоқда. Бугунгача дастлабки ўйинда зафар қўнган Германия, Эквадор, Англия, Аргентина, Голландия, Мексика, Португалия, Чехия, Италия, Австралия, Бразилия ва Жанубий Корея терма жамоалари қимматли ўтадан очкони қўлга киритиб, гуруҳи бўлиш учун имкониятлари етарли эканини амалда исботлашди. Бўлиб ўтган учрашулар тафсилоти ҳақида тўхталадиган бўлсак муҳлислар кўпроқ Бразилия —

Хорватия ўйинидан завқланишганини таъкидламоқдалар. Учрашувнинг 44-дақиқасида Кака йўллаган тўп Бразилияга галаба келтирди.

Италия — Гана ўйинида дарвозага иккита тўп киритилди. Уч карра жаҳон чемпионати бўлган италиялик футболчилар осон галабага эришдилар, дейиш қийин. Чунки, ганаликлар ўз дарвозаларини ланг очиб

қўймадилар. 40-дақиқада Тотти оширган тўпни Пирло дарвозага йўллаб, ҳисобни очди. 82-дақиқада эса Якинто дарвозани нишонга олди. Шундай қилиб, Италия футболчилари уч очолик бўлишди. АҚШ — Чехия учрашувида эса дарвозага учта жавобсиз тўп киритилди. 5-дақиқада Ян Коллер ҳисобни очиб, Чехияни олдинга олиб чиққан бўлса, 36-



ва 76-дақиқаларда Томаш Россицки ҳисобни 0:3га етказди.

Австралия — Япония учрашуви ҳам қизиқарли бўлди. Гарчанд японлар ҳисобни очибган бўлса-да, яшил мамлакат футболчилари учта жавоб тўпи билан галабани илб кетишди. Франция — Швейцария ўйинида эса ҳисоб очилмади. Мазлумки, Жанубий Корея — Того жамоалари «Г» гуруҳига киритилган. Бу жамоаларнинг учрашувида корейликлар устози Дик Адвокат рақибларни менсимамангдек майдонга бўшроқ футболчиларни туширган эди. Оқибатда эса Того футболчилари ҳисобни очинга улгурдилар. 31-дақиқада Муҳаммад Қодир маҳорат кўрсатди. Танафуддан кейин Адвокат майдонга моҳир ҳужумчи Ан Жун Хвани туширишга мажбур бўлди. Бу орада Того жамоаси сардори Жан Полга қизил картонка кўрсатилди. 54-дақиқада Ли Сун Су ҳисобни тенглаштирди. 72-дақиқада эса Ан Жун галаба тўпини киритиб, ҳисобни 2:1 га етказди.

Кеча майдон эгалари — Германия футболчилари ҳамда Польша терма жамоаси ўйини билан гуруҳдаги иккинчи учрашувлар бошланди.

Ҳайдар НОСИРОВ, Раъшан ШОДИЕВ



Инсон хотираси — азиз

УМРНИНГ УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАРИ

Биз бугун номини тилга олаётган беназир инсон ўз умрини эзгу ишлар билан безаган ҳамюртларимиздан бири эди. 1915 йили Каттақўрғон шаҳрининг Қаландархона гузарига истиқомат қиладиган Эшмуҳаммад ака ва Азиза опа хонадонидан тўртинчи фарзанд дунёга келди. Бир парча ерида дехқончилик қилиб рўзгор тебратадиган оила бошлиғи Аллоҳга шукроналар айтиб, унга Дўстмуҳаммад деб исм қўйди.



Болалиги қаҳатчилиги қимматчилик йилларида ўтган Дўстмуҳаммад олти ёшида қўлга кетмон олиб, ота-онанинг дехқончилик ишларига қарашди. Етти ёшида ўша пайтда янги очилган мактабда савод чиқара бошлади. Мактабдалигида у зехни ўткирлиги, билимга чанқоқлиги билан муаллимлар эътиборига тушди.

Дўстмуҳаммад тўлиқсиз ўрта мактабни битиргач, Каттақўрғон педагогика билим юртида тахсилни давом эттирди. Нияти — ўқитувчилик касбини эгаллаш эди. Шу боис Дўстмуҳаммад меҳнат фаолиятини шаҳардаги 2-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Тарих фанидан дарс ўтаётган ёш муаллим тез орада мактаб жамоасининг хурмат-эътиборини қозонди. Чунки ёш, иқтидорли муаллимда билим, изланиш, маҳорат мужассамлашганди. Қолаверса, унда ташкилотчилик қобилияти, муомала маданияти ҳам кучли эди.

Утган асрнинг қирқинчи йиллари... Мактабда бир неча йил ишлаб, яхшигина тажриба орттирган Дўстмуҳаммад учун масъулиятли ва машаққатли дамлар бошланди. Уни шаҳар Халқ таълими бўлими мудири лавозимига тайинлашди. Аммо, ўша кунларда уни харбий хизматга чақирди. Тошкент педагогика институтининг тўртинчи курсида сирдан тахсил олаётган талаба Воронеж шаҳридаги командирлар тайёрлаш курсини тугаллашга санокли кунлар қолганда иккинчи жаҳон уруши бошланди...

1944 йилда урушдан ярадор бўлиб қайтган Дўстмуҳаммад тез орада Каттақўрғон шаҳар маъмуриятида масъул лавозимга тайинланди. Ўша йилдан эътиборан у она шаҳрини ободонлаштириш, аҳоли турмушини яхшилаш ишларига бош-қош бўлди. Шаҳар истироҳат боғи, стадион ободон-

жаат этиб, жабрдийдаларнинг ҳақ-хуқуқи тикланишига ҳисса қўшди.

1976 йилда Дўстмуҳаммад акани нафақага узатишди. Аммо у умрининг охиригача шаҳар фахрийлар ташкилотига бошқош бўлди.

Ўзбекистон халқ шоири, раҳматли Нормурод Нарзуллаев Дўстмуҳаммад ака хотирасига бағишлаб етти тўртликдан иборат шундай шеър битганди:

...Қора ёвузликка яқиндир

ҳасад, Ҳавас-чи ўзлигин юракка

жойлар

Сингас ҳам тупроққа

ғубордай жасад

Қолур эзгуликдай муборак

номлар...

Ҳа, ундан эзгу ишлар қолди. Эзгуликнинг чироклари эса, муҳом мунаввардир. Дўстмуҳаммад ака оиласининг сарбони эди. Садоқатли, бағрикенг умр йўлдоши билан уч нафар қобил фарзандларни тарбиялаб вояга етказди.

Унинг қизи, ота бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган Венера Эшбекова нозиктаб ижодкор, изланувчан қаламкаш. У мана бир неча йилдирики, Каттақўрғон шаҳридаги 3-умумтаълим мактабининг раҳбари лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Отам бутун умрини таълимни ривожлантириш, шаҳар аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга бағишлади. У киши оилада ёлғиз қиз бўлганим учун муаллим бўлишимни орзу қилардимлар. Мен отам ўғилларига қулоқ тутиб, унинг касбини эгаллаганимдан бугун жудаям бахтиёрман. Мамлакатимизда истиқлол йилларида мактаб ва муаллимга эътибор ортди. 2003 йилда менга Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони берилди, — дейди Венера Эшбекова.

Мазкур сулоланинг янги-янги вакиллари, ўқимлиши, меҳнат-севар невар-эваралар камол топмоқда. Улар боболари, моллари, ота-оналари бошлаган эзгу ишларни давом эттиришаётир. Зеро, интилувчанлик, қатъийлик, янгиликка чанқоқлик, одамларга, она-Ватанга ихлосу муҳаббат фазилатлари соҳибларининг умри абадийдир.

Азим ҚОДИРОВ, Абдулазиз ХОШИМОВ

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ УЙ-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

«Жиззах шаҳридаги уй-жойдан фойдаланиш қисми биносини лазарет учун капитал таъмирлаш» объекти бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 120 кун. Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Телефон: 169-05-39.

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, мудофаа объектларини қуриш учун лицензияга, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўзгариш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўронома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиши мумкин.

Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс. 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм. Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.



Азиз ҳамюртлар!

Энг йирик ва нуфузли банклардан бири — Акциядорлик Тижорат

«ПАХТА БАНК»НИНГ

янги, қулай ва манфаатли муддатли омонатларидан самарали фойдаланинг!

«ШОДЛИК» омонат тури — 3 (УЧ) ОЙ муддатга қабул қилинади ва йиллик 22 ФОИЗ миқдориде даромад тўланади. Омонатга маблағлар шу йилнинг 10 августигача фақат нақд пулда қабул қилинади.

Бошланғич бадал миқдори — 100 000 сўм.

«ҲОСИЛ — 2006» муддатли омонати. Омонатни сақлаш муддати 6 (ОЛТИ) ОЙ бўлиб, йиллик 22 ФОИЗ миқдориде даромад тўланади.

Омонатнинг энг кам миқдори — 20 000 сўм. Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш» Фонди томонидан кафолатланган!

«Пахта Банк»нинг янги, қулай жамғарма ҳамда муддатли омонатлари Сизнинг келгуси даромадингиз кафолати!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг 2006 йил 8 июндаги 6-сон баёни 7-бандига биноан: Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунининг 15-моддаси, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунининг 23-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунининг 15-моддаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаканкомпаниясининг «Авиареклама» реклама-ахборот агентлигига берилган 00074-сонли ҳамда «Андижон нашрийти» очик акциядорлик жамиятига берилган 00076-сонли лицензияларнинг амал қилиши тугатилган, деб ҳисоблансин.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYO; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 70000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV; Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV; «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi; Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan; Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi; Hajmi 2 bosma taboq; Gazeta seshamba, payshanba va shanba kunlari chiqadi; «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi; G — 850; 10942 nusxada bosildi; T — Tижорат materiali; O'ZA yakuni — 20.45; Topshirish vaqti — 21.30; 1 2 3 4 5; Sotuvda erkin narxda